2011 йил 20 октябрь, пайшанба



# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 210 (12.021) Баҳоси эркин нархда

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**2011 йил 19 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2011 йил 21 январда республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига мувофиқ жорий йилнинг 9 ойида республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини кўриб чиқишга бағишланди.**

Мажлисда мамлакатни ривожлантиришнинг белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларига эришишни таъминлаш, бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни эркинлаштиришни янада чуқурлаштириш, таркибий қайта ўзгартиришларни давом эттириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун энг қулай ишбилармонлик муҳити яратиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Қайд қилиндики, жаҳонда ислоҳотларнинг «ўзбек модели» сифатида кенг эътироф этилган ўз ривожланиш моделини изчил ва аниқ мақсадларга йўналтирилган тарзда амалга ошириш туфайли, давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамай, жаҳондаги унча кўп бўлмаган мамлакатлар қаторида республикамизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг изчил юқори суръатлари сақланиб қолмоқда. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,2 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 7,0 фоизни ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ўсиши 6,8 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлардан ошмади.

Экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, маҳсулотни сотишнинг янги ташқи бозорларини фаол излаш ва ўзлаштириш, экспорт тузилмасини диверсификациялаш экспорт ҳажмининг 21,4 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий сальдосини таъминлади.

Мажлис кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш бўйича қишлоқ хўжалиги ишлари натижаларини ва кейинги йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўтказишнинг боришини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Жорий йилда сув кам бўлганига қарамай, агротехника тадбирларининг бутун комплексини ўз вақтида ўтказиш, суғориш сувини қатъий лимитлаш ва ундан оқилона фойдаланиш, шунингдек, қишлоқ меҳнаткашларининг омилкорлиги мўл-кўл қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилини етиштириш имконини берганлиги қайд этилди. 2011 йил пахта хомашёси ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини йиғиб-териб олиш ҳамма жойда тугалланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, тегишли хўжалик бирлашмалари раҳбарияти олдига пахта хомашёси ҳосилини йиғиб-териб олишни тугаллашни жадаллаштириш, кузги бошоқли экинлар экиш, кузги шудгорлаш тадбирларини амалга ошириш, шўрланган ерларни ювиш, коллектор-дренаж ва суғориш тизимларини тозалаш, гидротехника иншоотларини таъмирлаш ва тиклаш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисда иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини куз-қиш даврига тайёрлаш, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва картошкани қишга ғамлашни ташкил этиш ишлари натижаларини танқидий кўриб чиқишга жиддий эътибор қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бир қатор вазирликлар, идоралар, «Ўзбекэнерго» ва «Ўзтрансгаз» компаниялари раҳбарларининг ҳисоботлари давомида иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва уй-жой фондининг 2011-2012 йиллар куз-қиш даврига тайёрлиги ва барқарор фаолият кўрсатиши, шу жумладан газ-транспорт ва энергия таъминоти объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш, табиий газ, кўмир ва электр энергияси узлуксиз етказиб берилиши юзасидан уларнинг шахсан жавобгар эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва картошкани зарур ҳажмда ғамлашни тугаллашни жадаллаштириш, шунингдек, куз-қиш даврида аҳоли эҳтиёжларини барқарор ва ишончли қондириш учун уларнинг заҳирасини тизимли равишда ички бозорга чиқаришни таъминлаш юкланди.

2011-2015 йилларда Ўзбекистон республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги Дастурга киритилган инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш масалалари мажлис иштирокчилари эътибори марказида бўлди. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида озиқ-овқат, енгил, кимё саноатида, машинасозликда, қурилиш материаллари саноатида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида 828 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилганлиги қайд этилди. Инвестиция лойиҳаларини фаол амалга ошириш ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг 8 фоизга ўсишини ва 2,3 миллиард доллардан ортиқ миқдорда хорижий инвестициялар жалб этилишини таъминлади.

Бир қатор компаниялар, уюшмалар ва йирик корхоналар раҳбарлари олдига инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини тезлаштириш, шу жумладан, лойиҳа ва тендер ҳужжатларини жадал ва сифатли ишлаб чиқиш, тендер савдолари ўтказиш ва зарур молиявий ресурсларни сафарбар қилиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

(Давоми 2-бетда)

# ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида жойларда кўплаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти йўлга қўйилмоқда.**



Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Arena Holding Group» Ўзбекистон — Англия қўшма корхонаси ҳам шундай субъектлар қаторига киради. 2009 йилдан фаолият кўрсатаётган қўшма корхона сифатли ва рақобатбардош қоғоз маҳсулотлари — ўқувчилар учун дафтар, расм, умумий дафтарлар, рейтингли кундаликлар, чизмачиликка оид жамланмалар, нусха кўчирувчи техника ва матбаачилик қоғозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Давлатимиз томонидан республика истеъмол бозорини, шу жумладан, таълим муассасалари ўқувчилари, талабаларини миллий кадриятларимизга мос сифатли ёзув дафтарлари билан таъминлашни тартибга солиш чора-тадбирлари белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда юртимиздаги истеъмолчиларга умумий миқдори 150 миллионта бўлган ўқувчилар дафтаридан 50 миллион донаси ва ҳаммаси бўлиб 30 миллионта умумий дафтардан 9 миллион донаси ушбу қўшма корхонада ишлаб чиқарилди.

## Иқтисодиёт

## ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

Жорий йилда жамоада малакали ишчи-хизматчилар сафи 25 нафарга етказилди. Бу ерда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига саккизта қўшимча иш ўринлари яратилди. Рақамларга мурожаат қилсак, жорий йилнинг етти ойида қўшма корхона маҳсулот айланма миқдори 2.329 040 сўмни ташкил этди.

Эътиборли томони, ташкил этилганидан буён, корхона қувватини, маҳсулот тури ва сифатини янада ошириш мақсадида бу ерда доимий изланиш давом эттирилмоқда. Цехларнинг энг замонавий ускуналар билан жиҳозлангани юқори сифатли, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

Қўшма корхонага, 198850 АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция киритилиши ҳисобига юксак самарали қадоқлаш линияси ҳамда лизинг асосида юк ортиш-тушириш ишлари хавфсиз, қулай бажарилишини таъминлаётган 93 миллион сўмлик ва 5 миллион сўм маблағ эвазига қўшимча қадоқлаш (полиэтилен плёнка ва страпленталаш) техникалари харид қилинди.

Жамоа тадбиркорлари томонидан тайёрланаётган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар нафақат республика бўйлаб сотилмоқда, балки МДҲ давлатларига ҳам экспорт қилиняпти. Масалан, бу соҳада етти ойлик кўрсаткич «Arena Holding Group» қўшма корхонасида 67 200 АҚШ долларини ташкил этди.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**



# ЖАҲОН КИНОФОРУМИ — ТОШКЕНТДА

**19 октябрь куни "Олтин гепард" биринчи Тошкент халқаро кинофоруми очилди.**

Дунёнинг турли минтақаларидан санъатнинг энг мафтункор турларидан бири бўлган кинематография вакиллари шу кунларда "Art Week Style. Uz" санъат ҳафталиги доирасида пойтахтимизда ўтказилаётган "Олтин гепард" биринчи Тошкент халқаро кинофорумига ташриф буюрди. Тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Ёшлар ижод саройида «XXI аср тамаддунлари: маданиятлар мулоқоти» шиори остида ўтказилаётган мазкур кинофорумнинг тантанали очилиш маросими бўлди.

Анжуманга Европа, Осиё, Африка, Жанубий ва Шимолий Американинг ўнлаб давлатларидан кинематография соҳаси мутахассислари, санъат арбоблари, кино санъати ихлосмандлари келган.

...Мусиқа садолари янграб, чироқлар секин-аста ўчади. Экран ёришади. Атоқли ўзбек кино санъати усталари томонидан турли йилларда суратга олинган машҳур бадиий фильмлардаги ёркин лавҳалар ўрнини ҳужжатли фильмлардан парчалар эгаллайди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши миллий киносаноатимиз олдида янги, янада кенг имкониятлар очди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан барча жабҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Мамлакатимиз иқтисодиёти, ижтимоий, маданий ҳаёти жадал ривожланмоқда. Халқ ижодиёти ва ҳунармандчилигининг барча турлари қайта тикланиб, янги, янада теран маъно-мазмун билан боймоқда, серқирра замонавий санъат жадал ривожланмоқда. Хорижда мамлакатимиз, унинг бой тарихи ва бугунги ютуқларига қизиқиш ҳақли равишда ортиб бораётир. Албатта, бунда кино санъатининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Адабиёт, театр, тасвирий санъат ва мусиқани ўзида мужассам этган мамлакатимиз кинематографияси кенг жаҳон жамоатчилигига халқимиз маънавияти илдизларининг моҳиятини, унинг истиқлол йилларида янги ҳаёт қуриш йўлида қўлга киритаётган муваффақиятларини ҳар томонлама очиб беришга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

# XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

## МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Пойтахтимизда Кураш халқаро ассоциацияси (КХА) ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Тадбирда КХА ижроия қўмитаси аъзолари, кураш бўйича минтақавий конфедерациялар вакиллари, спорт жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

**● Марҳамат туманилик тадбиркор Шерали Тўхтасинов саъй-ҳаракати билан қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган замонавий технологик линия ишга туширилди. 10 нафарга яқин киши меҳнат қилаётган корхонада дастлабки 30 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, савдо расталарига чиқарилди.**

**● Ширин шаҳридаги «Шаҳзод — Авазбек — Сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мурод Дадабоев ташаббуси билан 200 миллион сўм эвазига автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриб битказилди. Эътиборлиси, бу ерда машиналарнинг техник носозлиги компьютерлар ёрдамида аниқланиб, тезда бартараф этилади.**

**● Нукус туманида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда ҳудуддаги қирққа яқин корхона ва ташкилот 125 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Якунда 112 нафар фуқаро янги жамоалар билан меҳнат шартномалари имзоланди.**

**● Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номидаги Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри ва Қарши санъат коллежида «Янги авлод – 2011» болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур фестивалнинг Қашқадарё вилояти шаҳар ва туман босқичларида 1659 нафар иқтидорли ўғил-қиз иштирок этди. Уларнинг 424 нафари фестивалнинг вилоят босқичида ўз билим ва маҳоратини намойиш этиш имконига эга бўлди.**

**● Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Етакчи» ёшлар марказида ўтказилган республика илмий-амалий анжуманида репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Оила» илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва қўмиталар, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, илмий-амалий марказлар вакиллари, олимлар, ёш тадқиқотчилар, педагоглар ва журналистлар иштирок этди.**

## ЖАҲОНДА

**● Гессен олий маъмурий суди Германиянинг Франкфурт-Майн шаҳридаги йирик аэропортида кечки рейслар парвозини вақтинча тақиқлади. Тақиқлов 21 октябрдан кучга киради ва у кечки соат 23.00 дан тонгги 5.00 гача амал қилади. Келгуси йил баҳордан эса тақиқлов бекор қилиниши мумкин. «Stern» нашри баён қилишича, Франкфурт-Майнга ва у ердан бошқа шаҳарларга парвозни амалга оширувчи авиакомпаниялар эндиликда 17 та парвозни бекор қилишига тўғри келади. Бу парвозлардан 11 таси эса «Lufthansa» авиакомпанияси зиммасидаги парвозлардир. Судда маълум қилинишича, Рюссельхайм ва Оффенбах аҳоли манзиллари фуқароларининг судга қилган мурожаатидан сўнг тунги парвозлар тақиқланди.**

**● Лондон шаҳри полициясининг янги комиссари Бернард Хоган-Хау пойтахт шаҳар кўчаларида полиция вакиллари сонини бир ярим бараварга оширишини маълум қилди, дея хабар беради «The Guardian» газетаси. Комиссарнинг айтишича, жорий йилнинг августида Англия шаҳарларида тартибсизликларнинг авж олишига биринчи галда полициянинг камлиги ва уларнинг журъатсизлиги сабаб бўлган. Агар тартибсизликларни келтириб чиқарганларга нисбатан ўз вақтида қатъий чоралар кўрилганда тартибсизликлар оммавий тус олмасди ва қурбонлар бўлмасди.**

**● Канаданинг уяли алоқа хизматини кўрсатувчи «Rachel Motion» компанияси раҳбарияти «BlackBerry» сервиси билан боғлиқ носозликлар тўла бартараф этилганини маълум қилди. Уч кун мобайнида Европа, Яқин Шарқ, Африка мамлакатларидаги операторлар уяли алоқа хизматидан фойдалана олишмаганди. Айтиш жоизки, бугунги кунда «BlackBerry» сервисидан дунё миқёсида 70 миллион киши фойдаланади. Ҳозиргача, мазкур компания тизимидаги носозликларга нима сабаб бўлгани аниқланмаган.**

**● Хитой Тайбэйида дунёда энг узун бўлган аквариум қурилди. Унинг узунлиги 33 метрга тенг. Шуниси эътиборлики, аквариум ичига Тайвань оролидаги қарийб барча диққатга сазовор жойларнинг кичик макетлари жойлаштирилган.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **КЕЧА** Республика болалар кутубхонасида «Тил – миллат кўзгуси» деб номланган адабий-мусиқий тадбир ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан «Очиқ эшиклар куни» ўтказилади.

✓ **«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»** Халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан Ўзбекистон миллий боғида 20-22 октябрь кунлари «Экстрим гиёҳвандликка қарши» мавзуида IX ёшлар фестивали бўлиб ўтади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари, тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари зиммасига тасдиқланган Рақобатбардошли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва янги турларини ўзлаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури амалга оширилишини ташкил этиш юзасидан қўшимча чоралар кўриш вазифаси юкланди. Шунингдек, улар томонидан 2012 йилнинг ишлаб чиқариш дастури бўйича ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ишларга, хизматларга) буюртмалар портфелини шакллантириш ҳамда хомашё ва материаллар харид қилиш юзасидан шартномалар тузиш ишларини кучайтиришнинг муҳимлиги таъкидланди.

Мажлисда иқтисодий ўсишнинг энг муҳим омиллари сифатида ички талабни ошириш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ишлар ҳолатини ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари мобайнида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 11,4 фоизга, чакана товар айланмаси 16,2 фоизга ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 14,2 фоизга ўсганлиги қайд этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг эътибори ички талабни янада рағбатлантириш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга, айниқса қишлоқ жойларда жадал ривожлантиришга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди.

Мажлисда 2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисидаги Дастурнинг мақсадли параметрлари бажарилиши ва лойиҳалари амалга оширилиши танқидий таҳлил қилинди. 2011 йилнинг 9 ойида умумий фойдаланишдаги халқаро ва давлат аҳамиятига эга 234,8 км. автомобиль йўлларини асфальт-бетон билан қоплаш, шу жумладан Ўзбекистон миллий автомагистрали участкаларини қуриш бўйича йўл-қурилиш ишлари бажарилди. Йил бошидан буён намунавий лойиҳалар бўйича 5966 та якка тартибдаги уй-жой, шунингдек, 2194,2 км. сув қувурлари, шу жумладан қишлоқ жойларда 1934 км. сув қувурлари барпо этилди.

Муҳокама давомида Наманган, Сурхондарё, Фарғона ва Тошкент вилоятлари ҳокимларига янги қишлоқ турар жой массивларига зарур муҳандислик коммуникацияларини ўтказиш, аҳолининг сув таъминотини яхшилаш лойиҳалари ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш ва Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўлбўйи инфратузилмасини ривожлантириш ишлари қониқарсиз ташкил этилганлиги кўрсатиб ўтилди. Республиканинг қайд этилган ҳудудлари раҳбарлари олдига жорий йилда назарда тутилган инфратузилма объектларини ишга туширишни жадаллаштириш ва 2012 йилга мўлжалланган объектларни қуришни ўз вақтида бошлаш учун тайёргарлик кўриш ишларини якунлаш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисда 2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари дастурини амалга оширишнинг бориши муҳокама қилиниб, кўрилаётган чора-тадбирлар республика молия-банк тизимининг молиявий барқарорлиги сақланиб қолишини ва мустаҳкамланишини таъминлаётганлиги қайд этилди. 2011 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича тижорат банкларининг жами капитали ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 бараварга ошди. Аҳоли ва юридик шахсларнинг депозитлари ҳажми қарийб 1,5 баравар кўпайди. Банклар ресурс базасининг ўсиши уларнинг иқтисодиёт реал секторига кредит қўйилмаларини 35,6 фоизга кўпайтириш имконини берди.

Марказий банк ва тижорат банклари раҳбариятининг эътибори банкларни янада ислоҳ қилиш ва уларнинг молиявий барқарорлигини ошириш, баҳолашнинг халқаро тизимлари асосида уларнинг молиявий ҳолати ва барқарорлигини йилнинг ҳар чорагида баҳолаш механизмини жорий этиш иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини кредитлашни кенгайтириш ишларини кучайтириш зарурлигига қаратилди.

Мажлисда 2011-2015 йиллар даврида иқтисодиётдаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва кўламларини кенгайтириш чора-тадбирлари дастурига мувофиқ макроиқтисодий кўрсаткичларни ва мамлакатда ишбилармонлик муҳити шакллантирилиши даражасини баҳолашнинг мезонлари ва индикаторларининг янги тизимини жорий этиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижалари батафсил таҳлил қилинди. Макроиқтисодий кўрсаткичлар мувозанатлилигининг асосий индикаторлари бўйича Ўзбекистон иқтисодиёти халқаро мезонларга мувофиқ барқарор юқори кўрсаткичларга эга эканлиги қайд этилди.

Тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилган сўров натижалари ишбилармонлик муҳитининг жорий ҳолати ва кутилаётган ўзгаришлар барқарор ижобий баҳоланаётганлигидан далолат бермоқда. Бунга "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури тадбирлари амалга оширилиши ҳамда жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тартиботларини анча соддалаштириш ва арзонлаштириш, бир қатор рухсат бериш тартиботларини қисқартириш, кичик бизнес субъектларининг давлат харидларидаги иштирокини кенгайтириш, банк кредитлари бериш механизмларини соддалаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишларни тубдан қисқартиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг 20 тадан ортиқ ҳужжати қабул қилинганлиги ҳам кўмаклашди. Амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилнинг 9 ойидаги 48,5 фоиз ўрнига 50,5 фоизга етди. Кичик бизнесда саноат ишлаб чиқариши ҳажмлари 26,5 фоизга ўсди, уларнинг маҳсулоти экспорти эса 1,6 баравар кўпайди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари зиммасига Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммоларни мунтазам ўрганиш, улар фаолиятига давлат органларининг ноқонуний аралашиши ҳолатларини тезкор аниқлаш ва бартараф этиш орқали тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий муҳофаза қилишни кучайтириш бўйича тизимли ишларни давом эттириш вазифаси юкланди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш, шунингдек, келгуси йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш учун ишончли кафолатлар яратиш борасида қўшимча чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА)**

# ЖАҲОН КИНО-ФОРУМИ — ТОШКЕНТДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистоннинг замонавий кино санъати анъаналарга бой. Бу анъаналар замирида мамлакатимиз ва жаҳон кинематографиясининг илғор услублари, халқимизга хос юксак маънавият мужассам. Кино инсонда Ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик ҳисси, эзгулик, раҳм-шафқат, бағрикенглик, ғамхўрлик каби энг яхши инсоний фазилатларни шакллантиришга хизмат қилади. Мамлакатимиз кино санъати нафақат Ўзбекистон, балки чет элда ҳам кенг оммалашаётгани юртимиз кино арбоблари ушбу хайрли вазифани муваффақият билан бажараётганидан далолатдир. Истиқлол йилларида турли жанрларда суратга олинган кўплаб ўзбек фильмлари жаҳондаги энг нуфузли кинотанловларда совринли ўринларга сазовор бўлган.

"Олтин гепард" биринчи Тошкент халқаро кинофорумининг олтита асосий мукофоти – «Олтин гепард»лар саҳнага олиб чиқилади ва махсус устунларга ўрнатилади. Танлов якунларига кўра, улар олти номинация – энг яхши тўла ва қисқа метражли ҳамда анимацион фильмлар, энг яхши режиссёрлик иши, шунингдек, энг яхши эркак ва аёл роли ижрочиларига топширилади.

– "Олтин гепард" биринчи Тошкент халқаро кинофоруми маданий ҳаётимизда муҳим воқеадир, – дейди кинофорум бош директори, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги Акбар Ҳакимов. – Бу мамлакатимиз янги тарихида алоҳида ўрин тутадиган юксак даражадаги илк халқаро кино анжумани бўлиб, фаолияти Ўзбекистонда амалга оширилаётган модернизация жараёнлари билан муштарак «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг муҳим лойиҳаларидан биридир.

Кинофорумнинг мақсади нафақат кенг жамоатчиликнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида турли халқлар маданиятини ривожлантириш воситаси ҳисобланган кинематографияга бўлган қизиқишини ошириш, уни бугун жаҳонда мазкур соҳадаги бадиий жараёнлар билан таништириш, балки мустақил Ўзбекистон кино санъатининг улкан салоҳиятини янада ривожлантиришдан иборатдир.

Кинофорум танлов дастури уч йўналиш – тўла ва қисқа метражли ҳамда анимацион фильмларни ўз ичига олган. Европа, Осиё, Африка, Жанубий ва Шимолий Американинг элликка яқин давлати киноижодкорлари танловда иштирок этиш истагини билдирган. Танловга тақдим этилган 139 тўла метражли фильмнинг ўн иккитаси, 74 қисқа метражли ҳамда 87 анимацион фильмдан ўн бештадан танлаб олинди. Дунёнинг турли мамлакатлари моҳир кинорежиссёрлари, продюссерлари, танқидчилари ва актёрларидан иборат ҳакамлар ҳайъати уларнинг орасидан кинофорумнинг «Инсон тақдири – туйғулар фалсафаси» шиорига мос энг истеъдодли, ёрқин ва ўзига хос фильмларни танлаб олиши керак. Улар орасида ўзбекистонлик кино санъати усталари томонидан яратилган янги фильмлар ҳам кўп. Маънавий қадриятларимиз, инсоннинг хилма-хил ва бой ички дунёси акс эттирилган тўла метражли «Постскриптум» ва «Қўрғошин», қисқа метражли «Анор» ва «Тақдир эшиги», «Оқ товуқ» анимацион фильмлари шулар жумласидандир.

– Биринчи Тошкент халқаро кинофоруми жаҳон кинематографиясида муҳим воқеадир, – дейди ЎзА мухбирига тўла метражли кино танлови ҳакамлар ҳайъати раиси, швейцариялик продюссер Мориц де Хадельн. – Биз бу ажойиб ғояни амалга ошириш учун тадбир ташкилотчилари томонидан қилинган саъй-ҳаракатларни чин дилдан қўллаб-қувватлаймиз.

– Тошкентда ўтказилаётган бундай улкан кинофорумда иштирок этаётганимдан ғоят бахтиёрман, – дейди анимацион фильмлар танлови ҳайъатининг раиси, россиялик режиссёр Андрей Хржановский. – Мазкур анжуман жаҳон кино санъати тарихида янги ва улкан саҳифа очди. Мен анжуман ишига муваффақиятлар тилайман.

– Менинг Ўзбекистонда дўстларим кўп, – дейди қисқа метражли фильмлар танлови ҳайъатининг раиси, германиялик кинотанқидчи Ганс Иоахим Шлегель. – Мен Ўзбекистонга бир неча йил аввал келган эдим. Ўтган вақт мобайнида юз берган ўзгаришларни кўриб, ҳайратга тушдим. Тошкент – дунёнинг йирик кино марказларидан биридир. Ишончим комилки, ўзбек кино санъати ва умуман маданияти келажакда янада улкан ютуқларни қўлга киритишга қодир.

"Олтин гепард" биринчи Тошкент халқаро кинофоруми очиқ, деб эълон қилинади. Кинофорум хитойлик таниқли режиссёр Чжан Имоунинг янги «Дўлана соясида» фильми намойиши билан бошланди.

Форум давомида мутахассис ва томошабинлар турли мамлакат ва қитъаларнинг етакчи кино усталари, иқтидорли ёш режиссёрларининг асарлари билан танишадилар. Фильмларнинг аксарияти танловдан ташқари дастурлардан ўрин олган. Масалан, Алишер Навоий номидаги кино саройи, Ўзбекистон давлат санъат институти ва «Premier-Hall» кинотеатрида Германия ҳамда Франциянинг замонавий анимацион фильмлари, «Тасвирда муҳрланган вақт» ҳужжатли фильмлар дастури, «Non stop» энг яхши қисқа метражли фильмлар дастури намойиш этилади. Ташкил этилган ҳар кунги кинопанорамадан «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган замонавий фильмлар жой олган. Форум кунлари, шунингдек, мамлакатимизнинг нодавлат студияларида суратга олинган фильмларнинг «Томошабинлар билан тенгма-тенг» мини-фестивали ўтказилади. Таниқли хорижий ва мамлакатимиз кино санъати усталари иштирокида учрашувлар, маҳорат сабоқлари ўтказилади. Мухтасар айтганда, кинофорумда замонавий жаҳон кинематографиясининг кўплаб янгиликлари намойиш этилади.

Юксак савияда ташкил этилган "Олтин гепард" биринчи Тошкент халқаро кинофорумининг ўтказилиши Президентимиз Ислом Каримовнинг барча жабҳалар, шу жумладан, маданият соҳасида туб демократик ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган сиёсати нечоғли чуқур ҳамда пухта ўйлангани ва ўз самараларини бераётганининг ёрқин далилидир. Буларнинг барчаси мамлакатимизни инсон манфаатлари устуворлиги асосида босқичма-босқич ва изчил ривожлантиришга, истеъдод соҳиблари, биринчи навбатда ёшларни қўллаб-қувватлашга, Ватанимиз равнақи, жаҳон майдонида Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини янада ошириш йўлида уларнинг ижодий ҳамда маънавий салоҳиятини юксалтириш учун энг қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилгандир.

**Анна ИВАНОВА**

# ҲАЖ ЗИЁРАТИ БОШЛАНДИ

**Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий урф-одат ва анъаналаримиз, диний қадриятларимиз қайта тикланди, юртимиз мусулмонлари ислом динининг барча арконлари, жумладан, ҳаж амалларини эмин-эркин бажариш имконига эга бўлди.**

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Рамазон ва Қурбон ҳайити кунлари дам олиш куни деб эълон қилиниб, байрам сифатида кенг нишонланмоқда. Динимизнинг асосий амалларидан бири – ҳаж ибодатини адо этишга кенг йўл очилгани юртдошларимизнинг бу борадаги орзу-умидларини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлмоқда. Мустақиллик йилларида минглаб юртдошларимиз муборак ҳаж зиёратига бориб келиш шарафига муяссар бўлди.

Жорий йилда ҳам кўплаб ҳамюртларимиз муборак ҳаж сафарига йўл олади. Уларнинг муборак сафари кўнгилдагидек ўтиши учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда.

Бу йил муборак ҳаж зиёратига отланган ватандошларимизнинг дастлабки гуруҳи Тошкент аэропортидан Саудия Арабистонига жўнаб кетди.

— Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, истиқлол берган бекиёс имкониятлар туфайли муборак ҳаж зиёратига бориш насиб этаётганидан хурсандмиз, – дейди тошкентлик Зуҳриддин Жалолов. – Биз учун шундай шарт-шароитлар яратиб берилаётгани учун Юртбошимиздан беҳад миннатдормиз.

Жорий йилда муборак ҳаж сафарига отланган ҳамюртларимиз Наманган, Самарқанд, Термиз, Урганч ва Қарши шаҳарларидан ҳам тўғридан-тўғри жўнайди.

**(ЎзА)**

**21 октябрь – «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган кун**

# МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ИФОДАСИ

***Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.***

*(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 4-модда)*

Тил умумбашарий қадрият, инсониятга ато этилган энг улуғ ва олий неъматлардандир. «Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили бу миллатнинг руҳидир», деб таъкидлайди Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида.

Сир эмас, собиқ империя замонида ўзбек тилининг мулоқот доираси жуда торайиб, у расмий эътибордан четда қолган эди. Она тилимиз деярли «уй-рўзғор тили»га айланганди. Миллатимиз фидойилари тилимизни имкон даражада ҳимоя қилдилар, унинг ривожи учун курашдилар. Ўша пайтдаги қалтис вазият ва ижтимоий-иқтисодий, сиёсий мураккабликларга қарамай, Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1989 йил 21 октябрда «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши тилимизнинг ривожланиши, ҳаётимизга кенг кириб боришида муҳим аҳамият касб этди. Аввало, она тилимизга маънавий-маданий мерос, умуммиллий бойлик, олий қадрият сифатида қараш шаклланди. Тилни миллий руҳ ва миллий имкониятлар асосида илмий тадқиқ этиш учун кенг шарт-шароит юзага келди.

Истиқлол йилларида тилимизнинг ифодалаш услублари такомиллаштирилди ва изчил ривожлантирилмоқда. Унинг илмий, академик, расмий-идоравий услублари шаклланди. Ўзбек тилига бўлган илмий-амалий, сиёсий муносабат ўзгарди. Бошқа тиллардан кўр-кўрона таржима қилиш, атамаларни тўғридан-тўғри қабул қилиш каби ғайритабиий ҳаракатларга барҳам берилди. Расмий тил, қонун ва юриспруденция тили, ифодалаш услуби шаклланди.

Конституциямиз ва «Давлат тили ҳақида»ги қонунда Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили экани мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонуннинг 7-моддасида давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилиши аниқ ёзиб қўйилган. Афсуски, қонуннинг ушбу моддаси талабларини бажаришда ҳали-ҳамон эътиборсизликлар учрайди. Хусусан, йўлларда, айниқса шаҳарлар кўчаларидаги реклама баннерлари, бекатлардаги ёзувлар, жумладан, бекат номлари ва реклама воситасига кирмайдиган бошқа турдаги ташқи ёзувлардаги кўплаб имловий хатолар дилни хира қилади.

Бундай хатоликлар лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги сўзларда ҳам, кирилл ёзувида битилган сўзларда ҳам учрайди. Сўзларнинг нотўғри ва ноўрин жойлаштирилиши, ўзбек тили қоидаларига риоя қилмаслик, бошқа тиллардаги сўзларни лотин ёзувида хато билан ёзиш, пешлавҳалардаги тушунарсиз номлар ва сўзларга афсуски тез-тез дуч келамиз. Буларнинг барчаси она тилимизга ва давлат тили ҳақидаги қонун ижросига эътиборсизликдир.

Шу ўринда қонуннинг 20-моддасида «Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмали ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин», деб қайд этилган. Аммо мазкур нормага ҳамма жойда ва ҳамма вақт ҳам тўла риоя қилиняпти, деб бўлмайди. Расмий маълумотларга кўра, бугунги кунда Тошкент шаҳрида фақат давлат тилидаги реклама 39 фоиз, давлат тили ва бошқа тиллардаги реклама 18,5 фоиз, фақат савдо белгиси билан берилган реклама 11,7 фоиз, бошқа тиллардаги реклама 30,8 фоизни ташкил этади.

Ҳар қандай тил ички ва ташқи манба асосида бойиб бориши кўпчиликка аён. Ички манбада тилнинг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда сўз ва терминларни ясаш, ташқи манба эса бошқа тиллардан сўз ўзлаштиришдир. Бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш тилни бойитади, ҳозирги замонда ривожланиб бораётган илм-фан, техника, замонавий технологияларни номлаш уларни она тилида акс эттириш имкониятини беради. Инсоний муносабатлар мавжуд экан, сўзнинг бир тилдан иккинчи тилга ўтиши, сўз ўзлаштириш давом этаверади.

Бунда ўзлашма атама ва сўзларни қандай қўллаш алоҳида эътибор талаб этади. Ўзлашган сўз ва терминларни ўринли, ўзбек адабий тилининг илмий қонун-қоидаларига мос тарзда ишлатиш ва қўллаш тилимиз ривожига, бойишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ўзлашган сўзларнинг кўпчилиги тилимизга тез сингиб кетган. Масалан, «спорт» сўзи бутун дунё тилларида қўлланилади. Аммо «спортчи» сўзи ўзбек тилининг ички имконияти ва қонун-қоидалари, грамматик кўрсаткичлари асосида шаклланди. Демак, бу сўзни ўзбек тилининг бойлиги, дейиш мумкин. Ёки лотинчадаги «collekcio» атамасидан олинган «коллектор» сўзи тилимиздан кенг жой олган коллектив, коллекция, коллектор каби сўзларнинг ўзаги ҳисобланади. Шу вақтгача бу термин қишлоқ хўжалигига хос эди. Маблағни йиғиш, тўплаш, ундириш маъноларини ифодалайдиган ушбу сўз бугун молиявий термин сифатида қўлланиладиган бўлди. Шу билан бирга, бу сўз ўзбек тилининг ички имконияти асосида шаклланиб, қонунчиликда «коллекторлик фаолияти» тарзда ишлатила бошланди.

Демак, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий ва инсоний муносабатларнинг эҳтиёжи билан ўзлашаётган сўзлар, атамалар, терминлар ва сўз бирикмаларини тилимизда ўринли, тилнинг илмий қоидаларига мос тарзда қўллаш ўзбек тилини фақат бойитишга хизмат қилади.

Тилимизни ривожлантириш, унинг қамровини кенгайтириш, келажак авлодга соф ва янада бой ҳолда етказиш ҳамиша долзарб аҳамиятга эга. Бу хайрли ишга ҳисса қўшиш ўзбек тилида сўзлашаётган ҳар бир инсоннинг ватанпарварлик бурчидир. Бунинг учун, аввало, ўзимиз ўзбек тилини яхши билишимиз, унинг равнақи учун жон куйдиришимиз зарур.

Давлат тили тўғрисидаги қонун нафақат ҳуқуқий, балки сиёсий ҳужжатдир. Зеро, мустақилликка эришиш, миллий ўзликни англаш, биринчи галда ўз тилига эга бўлишни тақозо этади. Демак, давлат тили ҳақидаги қонунни бажариш, унга риоя қилиш, шу қонунга таяниб иш кўриш барча ватандошларимизнинг фуқаролик бурчи, масъулиятидир.

**Гулноза ЭРНАЗАРОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, филология фанлари номзоди (ЎзА)**

